

Муаллиф:
12.10.2023 23:03 -



Юкоридаги сатрларда мусулмонларнинг таназзулига сабаб бўлган ташки омиллар иккита бўлиб, улар салибчилар юриши ва мўгуллар истилоси экани хакида сўз юритилди. Энди эса мазкур таназзулнинг учинчи ва энг дахшатли омили хакида кискача сўз юритишга ҳаракат киламиз.

Мусулмон олами мустамлака асоратида

Европалик мустамлакачилар дунёни бўлиб олиш сиёсати жараёнида мусулмон оламини ҳам тақсимлаб олишди. Мустамлакачилар жуда усталик билан иш тутишар эди. Аввал Колумб, Васко да Гама, Магеллан каби «кашфиётчи»ларни юборишар ва улардан керакли маълумотларни олишарди. Кейин насроний миссионерларни юбориб, улардан ҳам керакли қўшимча маълумотларни олишар эди. Сўнг шаркшунослар ишга тушар эди. Барча зарур тайёргарликлар кўриб бўлинганидан кейингина асосий кучлар ишга тушарди.

Дастлаб Португалия баъзи мусулмон ўлкаларга хужум бошлади. Шундан сўнг 1881 йилда Франция Тунисни, 1882 йилда Англия Миср ва Суданни, 1895 йилда Италия Сомалини, 1910 йилда Италия Ливияни босиб олди. Шу тарзда мусулмон оламининг барча диёрлари мустамлакачилар асорати остида қолди. Европа давлатлари ўзининг мустамлакачилик сиёсатини қай тарзда амалга оширганини мусулмон оламидаги йирик мамлакатлардан бири Миср мисолида кискача эслаб ўтайлик.

Маълумки, Миср турли сабабларга кўра Франция ва Англия мустамлакачилари ўртасида талаш бўлган. Аввал мамлакатга Наполеон бошчилигидаги фаранглар бостириб келган. У Искандарияни босиб олгач, мисрликларга нома юборган. Бузук араб тилидаги бу нома қуйидагича бошланган эди:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Лаа алааҳа иллаллоҳу. Лаа валада лаҳу ва лаа шарийка лаҳу фий мулкиҳи. Франсовийлардан (яъни фаранглардан), хуррият ва тенглик асосида бино қилинганлардан. Катта аскарнинг сирри ва франсовий лашкарларнинг амири Бонапартдан...»

Шундан сўнг Наполеон Миср халқини алдаш учун нима хохласа, шуни айтган. Фаранглар ҳам муҳлис мусулмонлар экани, усмоний султонларни яхши кўриши ва бошқа саф-саталар келтирилган.

Муаллиф:

12.10.2023 23:03 -

олиб борилди. Таълим дастурига киритилган тарих, жугрофия ва бошка фанлар ҳам том маънода арабчадан инглизчага ўтказилди. Мисрликлар инглизлар истаган нарсанигина ўрганишлари заруратга айланиб қолди. Худди таълим вазирлигида бўлгани каби, бошка барча вазирликларда ҳам мустамлакачилар нимани истаса, ўша нарса амалга ошадиган бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, мустамлакачиликнинг асосий «унсурлари» (таркибий қисмлари): харбий, сиёсий, иқтисодий, маданий, рухий (психологик) ва бошка жихатлар мустамлакачилар истагандек юзага чиқарилди. Мустамлакачиликнинг максадига мос равишда маҳаллий халқларни харбий, иқтисодий, маданий ва рухий йўл билан эзиб, динидан, тилидан, ўз номидан ва миллий ўзлигидан воз кечишгача олиб бориш йўлида барча чоралар қўрилди.

Мустамлакачиликнинг мустамлака халқларга таъсири ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун иқтисодий ҳолатни эслаб ўтишнинг ўзи қифоя қилса керак. 1920 йилда Мисрнинг ерлик аҳолиси 16 миллион киши бўлиб, ажнабийлар 225 минг кишинигина ташкил этар эди. Аммо Мисрнинг умумий бойлигининг 53 фоизи ўша оз сонли чет элликларнинг қўлида бўлган.

Бундай ҳолат ҳаётнинг деярли барча жаҳаларида ҳам қўзғатилган. Мустамлакачилар ерлик халқлар ҳаётнинг барча соҳаларида уларга қарам бўлиши учун барча чоратадбирларни қўрганлар.

Бундай золим сиёсатнинг оқибатлари тезда намоён бўлди. Мисрда араб тилини билмайдиган, лекин инглизчани яхши биладиган, арабча қийимдан ҳазар қиладиган, лекин инглизча қийим билан фахрланадиган, ўз тарихини билмайдиган, лекин Англия тарихини сув қилиб ичиб юборган, сурати араб, моҳияти инглиз бир қатлам пайдо бўлди. Улар салибчи ва Мўғул босқинчилардан қуч жихатидан енгилсада, ақийдаси, миллий гурури билан қолиб қолган аждодларнинг мутлақо ақси эдилар. Улар ўз миллатига ҳос барча нарсадан жирканиб, беғоналарга ҳос бўлган нарсаларга ҳавас қиладиган, бу билан фахрланадиган қатлам эди.

Ўзқ давом этган мустамлакачилик сиёсатининг натижаси ўлароқ, Мисрнинг барча табиий бойликлари талаб тугатилди, мустамлакачиларни қизиқтирадиган нарсалар оз қолди. Мисрликлар ичида инглизларга ихлос билан, сидқидилдан хизмат қиладиган шовқозлар етарлича етишиб қикди.

Миллий озодлик ҳаракатлари

Иккинчи жаҳон уруши бутун дунёда миллий озодлик ҳаракатларининг авж олишига сабаб бўлди. Мустамлака давлатлар бирин-кетин озод бўла бошладилар. Энг қизиги, миллий озодлик ҳаракатларига мустамлакачиларга яқин доиралар раҳбарлик қилар эди. Миллий озодлик ҳаракатининг раҳнаомлари қўпроқ коммунистлар ёки миллатчилар эди. Барча давлатлар ана шундай йўллар билан озодликка эриша бошладилар. Бундай давлатларда европача маданиятга яқин қишлар ҳокимиятни қўлга олишди. Жумладан, Мисрда ҳам шундай бўлди. Миллий озодлик ҳаракати раҳбариятига Саъд Зағлул ва шунга ўхшаш «муносиб» одамлар топилди. Уларга нима дейиш, нима қилиш яхшилаб тушунтирилди. Улар халқни босқинчиларни юртдан ҳайдаб қиқаришга қиқардилар. Орадан қўп ўтмай, Саъд Зағлул ҳибсга олинди. Ҳаммининг эътибори унга қаратилди. Унинг «адабини бериб қўйиш», жазолаш учун «сурғун» қилинди. Натижада у бир неча йилдан сўнг «халқ қахрамони» сифатида сурғундан қайтиб қелиб, миллий озодлик ҳаракати раҳбарлик қила бошлади. Одамлар Саъд Зағлул нима деса, шуни қабул қилишга тайёрлаб қўйилган эди. Ҳеч қим унинг диний ва ахлоқий жихатдан

Муаллиф:

12.10.2023 23:03 -

расволикларига эътибор бермас эди. Кимдир мазкур айблардан бирортасини эслаб колса, унга узрни тушунтирадиган мингта одам тайёр эди.

Шу тарика Мисрда ҳам, бошка собик мустамлакаларда ҳам озодлик ҳаракати бир хил сценарий асосида олиб борилди. Аввалига халк озодлиги ҳаракатига мустамлакачиларга ҳар томонлама мос келадиган кимсалар раҳнамо бўлиб олар, шундан сўнг босқинчилар юртдан қувиб чиқарилар эди. Энди орзуимиз ушалди, деб қувонган халк бу раҳнаомоларни ўзига раҳбар деб билар, улар эса янги мустикал давлат низомини Франция ёки Англия конституцияси андозасида ташкил қилишар эди.

Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳақиқий ватанпарвар раҳбарлар она Ватани, ўз халқи, эл-юрти учун улкан хизматларни қилдилар ва қилиб келмоқдалар. Қўпчилик мусулмон давлатлар мустикалликка эришгач, ҳаётнинг барча соҳаларида сезиларли таракқиётга эришмоқда ва бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Аввало, мусулмонларнинг ўзлари аста-секин Исломни англашга, шариатга амал қилган ҳолда яшашга ўтмоқдалар. Қўплаб гайримусулмонлар ҳам Ислом дини ҳақида маълум бир илмга эга бўлмоқдалар, унинг ҳақ дин эканини тушуниб, унга қирмоқдалар. Ҳеч бўлмаганда, улардаги Исломга қарши душманлик руҳи камайиб бормоқда. Буларнинг барчаси яхшилик аломатларидир.

Аммо ўтган милодий асрнинг охириги чораги ва янги милодий асрнинг аввалидан ҳозиргача давом этиб келаётган террор деб номланган ҳаракат Исломга жуда катта салбий таъсир ўтказди. Мусулмонлар олдида яна ҳам катта масъулият - ушбу тўсикни енгил, Исломни тинч йўл билан қерағича ўрганиш ва бошқаларга ҳам танитиш масъулияти, вазифаси пайдо бўлди. Агар ер юзидаги барча мусулмонлар ушбу вазифани адо этишга астойдил бел боғласалар, аста-секин барча ишлар ўз ўрнига тушиши ва қўпчилик Исломнинг хайротларидан манфаат олишида шубҳа йўқ.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг

"Олам ва одам, дин ва илм" китобидан